2012 йил 12 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (12.069)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни





Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

### *2010 йил 12 январда Тошкентда «Ватанга қасамёд» монументи очилди*

2011 йили Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонладик. Айни кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир қутлуғ сана – Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи бу икки байрам моҳиятан бир-бирига уйғун. Чунки тинчлик ва барқарорлик бўлган мустақил Ватанда тараққиёт бўлади, байрамлар байрамларга уланади, унинг шукуҳи-руҳи қалбларга сингади, татийди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг асоси, энг катта бойлигимиз – юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувликдир. Бу бойликни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга миллий армия барпо этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг маиший шароитини яхшилаш, ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида бугун ҳарбий хизмат йигитларимиз учун шарафли ишга, садоқат ва жасорат мактабига айланди.

Давлат барқарорлигини таъминлаш нафақат замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа, балки армиядаги ахлоқий ва маданий муҳит, ҳарбийларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир.

Шу боис мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ этиш жараёнида миллий армиямиздаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан яхшилаш, ҳарбийларнинг маънавий оламини юксалтириш ҳамда руҳан тоблантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2010 йил 12 январда Тошкентда очилган «Ватанга қасамёд» монументи ҳам ўз мазмун-моҳияти билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси асосида яратилган монумент ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбийларимизда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу муҳташам мажмуада тасвирланган алпкелбат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки осойиш топган муқаддас заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда. Мард ва жасур фарзандини баркамол этиб вояга етказган мунис она эса ҳарбий хизматга отланган ўғлига оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Бу – ҳар бир ўзбек хонадони учун таниш ҳолат, ҳарбийлар ҳаётидаги қадрли воқеа ифодаси. Бугун ушбу монументга назар ташлаган аскарлар дуогўй она сиймосида ўз онасини, Ватани тимсолини кўради. Эл-юртининг тинчлиги ва осойишталиги учун юксак масъулият билан хизмат қилиши лозимлигини янада тўлароқ англайди.

– Мазкур монумент яратилгунга қадар бир неча бор такомиллаштирилди, – дейди Ўзбекистон халқ рассоми Жалолиддин Миртожиев. – Президентимиз Ислом Каримов бўлғуси композициянинг мазмун-моҳияти, кўриниши, ифодаси, ҳатто аскарнинг нигоҳи қаерга қадалиб туришигача эътибор қаратдилар. Юртбошимиз ғояси асосида ҳайкалнинг орт томонида дуогўй она образининг яратилиши асарга янада гўзал шакл ва кенг маъно-мазмун бағишлади. Монументда давлатимиз байроғининг тўкис рангларида акс эттирилиши ҳайкалтарошликда ҳам ўзига хос янгилик бўлди.

Миллий байрамимиз – Ватан ҳимоячилари кунига катта тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда «Ватанга қасамёд» ҳайкали атрофи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Офицер ва сержантлар, оддий аскарлар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу муаззам монументни зиёрат қилмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

***«Les milieux des Empires» электрон нашрининг (Франция) навбатдаги сонларидан бирида Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ўтган йил ноябрь ойидаги Ўзбекистонга миссияси якунларига бағишланган мақола ана шундай сарлавҳа остида эълон қилинди. У мазкур нашр бош муҳаррири Сильви д'Изар қаламига мансуб.***

## «ЎЗБЕКИСТОН. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДАГИ СОҒЛОМ ИҚТИСОДИЁТ»

Европа иқтисодиёти ўсишининг суръати пасаяётган ҳамда евро пул бирлиги ҳудудида 2012 йил охирига қадар инқирознинг чуқурлашиши башорат қилинаётган бир пайтда сўнгги беш йиллик якунларига кўра Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръати йилига ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани мазкур мақолада алоҳида қайд қилинади.«ХВЖ маълумотларига қараганда, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиши суръатининг ўртача кўрсаткичи бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги кўрсаткичдан юқоридир. Бундай аъло натижа қатор йиллар давомида кузатилаётган бюджет профицити, расмий заҳираларнинг юқори даражаси, давлат қарзининг озлиги, барқарор банк тизими ҳамда халқаро молия бозорларида эҳтиёткорона фаолият олиб бориш билан бевосита боғлиқдир. Бу омилларнинг барчаси мамлакатни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри оқибатларидан ҳимоя қилди», деб ёзади муаллиф.

Мақолада хабар берилганидек, ХВЖ тақдим этган баҳоларга мувофиқ, 2011 йилда республикада ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди ва сўнгги ойлардаги пул қадрсизланишининг паст даражасига қарамай, бу кўрсаткич сақланиб қолади. Хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, ташқи савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида юқори ўсиш кузатилди. 2011 йилдаги сармоявий фаолият саноатлаштириш давлат дастури доирасида амалга оширилиши асносида тўғридан-тўғри сармояларнинг юксак ҳажми билан мустаҳкамланди, кичик корхоналар ва хусусий секторни ривожлантириш амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Банк кредитларидан фойдаланиш, рўйхатдан ўтиш-ижозат берилиши, божхона сертификацияси тартиблари соддалаштирилгани ҳолда кичик бизнеснинг янги тузилган корхоналарида солиқ текширувлари ўтказилишининг муддати узайтирилди.

«Les milieux des Empires»нинг маълум қилишича, «Ўзбекистон ҳукумати ўсиб келаётган ёш аҳоли учун янги иш ўринларини ташкил қилиш ва ижтимоий ҳимояни янада мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошираётгани ХВЖ миссияси томонидан табрикланди. Республикада иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, шунингдек, хусусий сектор аҳамиятини кенгайтириш бўйича қатор катта кўламли дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундан ташқари, банклар капиталлашувининг сезиларли даражада кенгайиши банк секторидаги барқарорликка ҳисса қўшгани баробарида давлат тараққиёт дастурларини ҳаётга татбиқ этишга ҳам кўмаклашмоқда».

*(Давоми 2-бетда)*

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

## ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИДАГИ КИТОБЛАР

***Давлатимиз ва халқимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Соҳада туб ўзгаришлар юз берди, офицерлар ва оддий аскарлар таркибини танлов асосида саралаш ва уларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди, миллий армиямизда ҳарбий-ватанпарварлик руҳи янада мустаҳкамланди.***

Ватанпарварлик ҳар қандай мамлакат ҳаётининг маънавий асоси, жамиятнинг ривожига хизмат қиладиган қудратли ҳаракатлантирувчи куч, шахснинг фаол фуқаролик позициясини, Ватанга фидокорона хизмат қилишга тайёрлигини белгиловчи муҳим мезондир.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва тобора юксалтиришга нашриёт-матбаа ижодий уйлари, жумладан, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари — Ватанимиз ҳимоясининг таянчи» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Республика ҳарбий прокуратура вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**● Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан журналистлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Экоҳаракат ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳининг 2011 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди.**

**● Пешку тумани мудофаа ишлари бўлими чақирув пунктининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотда муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳамда ота-оналар учун барча шароитлар яратилган.**

**● Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги «Ангор бунёдкорлари» хусусий корхонасида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган эшик ва дераза ромларининг сифати ҳамда дизайни тубдан яхшиланди. Корхона маҳсулотларига бўлган талаб эса ошиб бормоқда. Айни пайтда 10 кишилик жамоада ойига 160 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаётир.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШлик олимлар балиқ, гўшт ва картошкада мавжуд бўлган В3 витамини Альцгеймер (ақли заифлик) касаллиги хавфини камайтириб, хотирани мустаҳкамлашини аниқлашди. Ушбу тадқиқот дастлаб жониворларда синаб кўрилган. Ҳайвонларга маълум муддат гўшт ва картошкали димлама бериб борилган. Кейин эса улар махсус текширувдан ўтказилган. Натижада жониворларда Альцгеймер хасталиги хавфи бирмунча камайгани қайд этилган. Шу боис мутахассислар гўшт ва картошкали димламани тез-тез истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун фойдали эканлигини билдиришган.**

**● Нью-Йоркдаги «NYMEX» биржасида ўтказилган савдолар чоғида «Light Sweet Crude Oil» маркали нефтнинг нархи 0,82 долларга арзонлашган ва унинг бир баррели 98,83 АҚШ долларига баҳоланган.**

**● Антарктида қирғоқларида Жанубий Кореяга тегишли «Чон У» кемаси ёниб кетган. «AFP» ахборот агентлигининг маълум қилишича, ушбу кўнгилсизлик оқибатида етти киши жароҳат олган, икки киши бедарак йўқолган. Қутқарув сигналидан хабар топиб, воқеа жойига етиб келган кема ундаги одамлар ҳаётини сақлаб қолган. Ёнғин юз берган вақтда «Чон У» бортида қирқ нафарга яқин одам бўлган.**

**● Канаданинг Ғарбий Онтарио университети олимлари мандарин таркибидаги нобилетин моддаси инсон қонидаги холестериннинг сезиларли даражада камайтиришини аниқлашди. Ушбу мевани мунтазам истеъмол қилиб юриш юрак-қон томир касалликлари ҳамда қандли диабет хасталиги келиб чиқишининг олдини олади. Бундан ташқари, мандарин танани витаминлар билан озиқлантириб, овқат ҳазм бўлишини тезлаштирар экан.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент темир йўл муҳандислари институтида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деб номланди.

✓ **«СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан 9-13 январь кунлари Чилонзор, Сергели ва Ҳамза туманларидаги ҳарбий шаҳарчаларда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиб, комплекс патронаж хизмати кўрсатмоқда.

✓ **МК** «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа туман бўлими томонидан Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўқувчи-ёшларнинг «Шонли Ватан тарихи» музейига саёҳатлари уюштирилди.

# ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИДАГИ КИТОБЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Мамлакатимизда ноширлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ташкилотларини янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилган, – дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Ибодулла Шоймардонов. – Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган қатор имтиёз ва преференциялар бизнинг нашриётимизнинг ҳам моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, фаолият доирасини кенгайтириш, ахборот соҳаси мустақиллигини таъминлаш ва кўплаб социал масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида «Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи» номли иллюстрацияларга бой китоб уч тилда нашрга тайёрланди. Тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова ва тарих фанлари номзоди Лариса Левтеева мазкур китоб муаллифларидир.

Китоб кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, унда ўқитувчилар ва мамлакатимиз ҳарбий тарихи билан қизиқувчилар учун кўплаб маълумотлар жамланган.

Шунингдек, мамлакатимиз ва инсоният тарихида чуқур из қолдирган машҳур шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ҳам чоп этилди.

**Р. БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**



СУРАТДА: «Иродат текс» масъулияти чекланган жамияти тикувчиси Муҳаббат Арслонова.
Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

# «ЎЗБЕКИСТОН. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДАГИ СОҒЛОМ ИҚТИСОДИЁТ»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бой иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам мазкур мақоладан жой олган. «Мамлакатда ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўз стратегияси бўйича иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожланишига биринчи даражадаги эътибор қаратилмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жабҳаси пахтадан ташқари турли дон экинлари, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотларни ҳам қамраб олгандир», деб ёзади нашр.

Сильви д'Изарнинг қайд этишича, саноат ривожланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини таъминлаш имконини бермоқда. Нефт ва газ қазиб олиш, кимё ва нефт-кимё саноати, шунингдек, қурилиш жабҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик хориж сармояси учун жозибадордир ва у истиқболда табиий бойликлардан фойдаланишни янада ривожлантириш ишига кўмаклашади.

Мақола якунида «аҳолисининг сони жиҳатидан Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик мамлакат ҳисобланадиган Ўзбекистон ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳали кўп маротаба ҳайратлантиради», деб ёзади муаллиф.

**«Жаҳон» АА**
**Париж**

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

**Шаҳар сайлов комиссиясида**

# ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига мувофиқ, 7-Ширин (Учтепа тумани), 20-Толариқ (Миробод тумани) ва 50-Минор (Юнусобод тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга 2012 йил 29 январь куни ўтказиладиган сайловга тайёргарлик бошланди. Ушбу ишларни тегишли округлар бўйича ташкил этилган сайлов комиссиялари амалга оширмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси йиғилишида чора-тадбирлар, календарь режасига асосан учта сайлов округи бўйича ташкил этилган участка сайлов комиссияларининг тартиби тасдиқланди. Эслатиб ўтиш жоизки, сайлов кампаниясининг асосий жараёни – бевосита сайловлар участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилиб ўтказилади.Уларнинг иш фаолияти эса округ сайлов комиссиялари томонидан мувофиқлаштириб борилади. Йиғилишда участка сайлов комиссияларини барча зарур техникалар билан жиҳозлаш, ташкилий-услубий материаллар, ташвиқот-чорлов ашёлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов қонунчилиги талабларига асосан 7-Ширин, 20-Толариқ ва 50-Минор сайлов округлари ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига кутилаётган сайлов кампанияси ҳақида тўлиқ маълумотларни вақтида етказиш лозимлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда, шунингдек Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Илгари хабар қилинганидек, шаҳар сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш тўғрисидаги аризалари билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси – амалда бўлган барча сиёсий партиялар мурожаат қилди.

Сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда тўртта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан шаҳар сайлов комиссиясига бўшаб қолган бўш ўринларга депутатликка номзодларни рўйхатга олиш юзасидан аризалар тақдим этилди. Шаҳар сайлов комиссияси барча аризаларни ва уларга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди (номзодлар рўйхати чоп этилмоқда).

Қарорда депутатликка номзодларнинг тегишли округдан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари ҳақидаги аризалари ҳам инобатга олинган. Рўйхатга олинган кундан бошлаб депутатликка номзодлар, шунингдек бевосита сиёсий партиялар томонидан тарғибот ишлари бошланди.

Сайловчилар, бошқа манфаатдор шахслар ўтказиладиган сайлов жараёнига оид маълумотларни 7-Ширин, 20-Толариқ ва 50-Минор сайлов округлари ва улар таркибидаги участка сайлов комиссияларидан олиши мумкин. Бу борада Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига ҳам мурожаат этиш мумкин.

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар комиссияси*
*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлари ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодларини овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 22-2 ва 44-моддаларига мувофиқ қуйидаги депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинсин:**

| Округ номи | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи | Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия |
|---|---|---|---|
| 7-ШИРИН | Кузибаева Дилбар Захидовна | 1958 йил, ЎзЛиДеП, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Учтепа тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Нажбиддинов Сувон Уринович | 1964 йил, ЎзМТДП, «Матбуот тарқатувчи» очиқ акциядорлик компанияси бош директори, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Рустамов Аваз Рахматходжаевич | 1968 йил, ЎзХДП, Учтепа тумани ҳокими, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Урманова Райхона Артыкбаевна | 1974 йил, «Адолат» СДП, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Учтепа туман бўлими Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 20-ТОЛАРИҚ | Ирискулова Дилбарай Давранбаевна | 1980 йил, «Адолат» СДП, «Ўзбекистон Темир йўллари» ДАК қошидаги темирйўл болалар шифохонаси шифокори, дефектолог, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Исанова Дилфуза Нормуминовна | 1966 йил, ЎзЛиДеП, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Миробод тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Мирзахмедов Абдурахим | 1951 йил, Ўз.ХДП, Миробод туманидаги «Билимдон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Ташходжаев Ашрабхан Арипханович | 1962 йил, Ўз.МТДП, Миробод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 50-МИНОР | Абдурахимова Нигора Рахимжановна | 1968 йил, «Адолат» СДП, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси туман Кенгаши раиси | Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Азимджанов Шавкат Джураевич | 1969 йил, ЎзЛиДеП, Юнусобод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Васиев Алишер Самиевич | 1965 йил, Ўз.ХДП, Тошкент Молия институтининг «Молия инжиниринги ва бозорлар» кафедраси катта ўқитувчиси | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Курбанов Мухаматюсуф Рузимуратович | 1960 йил, Ўз.МТДП, Ўзбекистон Республикаси «Ҳунарманд» уюшмаси раиси | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |

**2. Ушбу қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.**

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар**
**Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси**
**О.ИНОҒОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 11 январь*

**Қарор ва ижро**

# МАМЛАКАТИМИЗ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган тадбирда мазкур ассоциация таркибига кирувчи нодавлат телерадиостанцияларнинг раҳбарлари ва бош муҳаррирлари иштирок этди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар очиқ-ошкоралигини таъминлаб, фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз Ислом Каримов юртимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлади. Ўтган давр мобайнида оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларнинг қабул қилиниши янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришдаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси Ф.Абдухолиқов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш жараёни, ахборот соҳасига бозор муносабатларини жорий қилган ҳолда, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга кечаётганининг яққол далили эканини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар янги қарорда белгиланган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилишига оид жиҳатларга алоҳида тўхталди.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилиши улар учун сезиларли даражада молиявий кўмак бўлади. Эндиликда оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

Давра суҳбати иштирокчилари тақдим этиладиган бу каби имтиёз ва афзалликлар, шубҳасиз, ахборот бозорини янада такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган изчил ва тизимли ислоҳотлар натижасида сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз тинчлигининг мустаҳкам кафолати бўлган профессионал миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимиз сафларида ҳар томонлама соғлом, маънан ва ақлан етук, юксак салоҳиятли, замонавий дунёқараш ва фаол фуқаролик позициясига эга ёшлар хизмат қилаётгани мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда.***

# СОҒЛОМ АВЛОД — ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасининг тубдан ислоҳ қилиниши жараёнида ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг шакллантирилгани ва замон талабларига мос фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилгани миллий армиямиз сафларини ҳар жиҳатдан соғлом ёшлар билан мунтазам тўлдириб боришда муҳим омил бўлаётир. Зеро, ўсмирлик даврида организмда рўй берадиган морфологик, психологик, физиологик ва эндокрин ўзгаришлар тиббий хизматни ташкил этишда алоҳида ёндашувларни талаб этади. Бу ёшларни оилавий ҳаётга ва ҳарбий чақириққа тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Бу борада мамлакатимиз эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда, Ўзбекистон тажрибаси бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилмоқда. 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Маргарет Чен бу йўналишда мамлакатимизда шаклланган бой тажрибага юксак баҳо берди. «Дунёнинг бошқа мамлакатларида унчалик аҳамият берилмайдиган соҳа – ўсмирлар саломатлиги масаласига Ўзбекистонда доимий эътибор қаратиб келинаётгани юксак самаралар бераётгани»ни алоҳида таъкидлади.

Мазкур йўналишдаги долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 1996 йили дастлабки тиббий муассаса – Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йилларда диспансер жамоаси эришган ютуқ ва тажрибадан келиб чиқиб, барча вилоятларда ана шундай замонавий шифо масканлари ташкил этилди.

Ушбу диспансерлар мамлакатимиздаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида ва жойлардаги тиббий чақирув комиссияларида ўсмирларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриги жараёнида аниқланган касалликларни соғломлаштириш, ёшларни ҳарбий хизматга ва оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида изчил иш олиб бормоқда.

Илгари ўсмирларни тиббий текширувга олиб келиш қийин бўларди. Энди эса Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери ёш йигитлар билан гавжум. Боиси армияга бориш учун ҳар томонлама соғлом бўлиш талаб этилади. Армияга боришни истовчилар эса жуда кўп.

– Чақирувдан олдинги тиббий кўрикда ошқозонимда касаллик борлиги аниқланди, бир ҳафтадан буён шу ерга қатнаб, мутахассислар назоратида даволаняпман, – дейди Тошкент туризм коллежи ўқувчиси Бахтиёр Маҳмудов. – Барча шарт-шароит бор. Кундузги стационар иссиқ, шинам. Тиббий ва жисмоний муолажалар биргаликда олиб борилаётгани соғлиғимизни тез тиклаш имконини бермоқда. Шифокорларнинг барча тавсиясига тўла риоя қилсам, бу хасталикдан бутунлай фориғ бўлишим, ҳарбий форма кийишим мумкин экан. Мақсадим эса Ватан ҳимоячиси бўлиш.




Бу ерга келган ҳар бир ёшнинг нигоҳидан ана шундай юксак мақсадни сезиш мумкин. Диспансер стационар ва поликлиника бўлимларидан иборат. Функционал ташхис бўлими замонавий тиббий диагностика воситалари билан таъминланган. Компьютер энцефалограмма аппарати, биокимёвий таҳлил ускуналари, ультратовуш таҳлил воситалари тез ва юқори аниқликда ташхис қўйиш ва даволаш имконини бермоқда. Кардиология, неврология, гастроэнтерология бўлимларида кундузги соғломлаштириш ўринлари ташкил этилгани ўсмирлардаги бирламчи хасталикларни барвақт аниқлаш ва комплекс тарзда даволаш имконини бермоқда.

Тиббий муолажалар физиотерапия ва жисмоний машғулотлар уйғунлигида олиб борилади. Диспансерда стационар шароитда ҳар йили уч мингдан зиёд ўсмир саломатлигини тиклайди. 148 минг нафардан зиёд йигит-қизга маслаҳат ташхис ёрдами берилади. Уларга қарийб 50 нафар малакали шифокор, 80 нафар ҳамшира замонавий тиббий стандартлар асосида ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

– Мазкур тизимнинг шакллантирилиши ўсмирларнинг психологиясини, жисмоний ва ижтимоий ҳолатини чуқурроқ ўрганиш, шу асосда соғломлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш имконини бермоқда, – дейди Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери бош шифокори Маҳбуба Орифхонова. – Масалан, қон босимининг ошишига олиб келадиган омилларни аниқлаш ва даволаш, сил касаллигининг баъзи турлари ривожланиш жараёнларини ўрганиш, гипотензия, асабийлашиш ҳолатларида мажмуавий муолажалар ўтказиш борасида бой тажриба орттирилган.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг функционал ташхис ҳамда ўсмирлар, чақирув ёшидагилар касалликлари ва тиббий экспертизаси кафедралари диспансер базасида фаолият юритаётгани бу борадаги илмий янгиликлардан амалда самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Бу жараёнда Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг тегишли кафедра ва лабораториялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Яқинда ўпка касалликларини текширадиган янги замонавий рақамли флюорография аппарати олинди. Энди бу турдаги таҳлилларни ҳам қисқа вақтда, юқори аниқликда ташкил этиш имкони яратилди. Кўрилаётган бундай изчил тиббий-ижтимоий чора-тадбирлар юксак самаралар бермоқда. 1996 йилда пойтахтимизда ўсмирларни соғломлаштириш кўрсаткичлари 34,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 92,2 фоизга етди.

Бу мамлакатимизда униб-ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний-маънавий имкониятлари ошиб, миллий армиямиз сафлари жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали ва юксак маънавиятли ёшлар билан кенгайиб бораётганидан далолатдир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНАЛАР

***«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон қонуни янги турдаги ахборот-кутубхона муассасалари тизимини белгилаб берди. Зеро, ушбу қонун аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтаришда муҳим йўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.***

— Бугунги кунда республика ахборот марказларининг адабиётлар фонди 5 миллионга яқин нусхани ташкил этади, — дейишди Республика ахборот-кутубхона маркази мутахассислари. Унинг бир йилдирки фонди ўрта ҳисобда 12 минг нусха адабиётлар билан тўлдирилди.

Марказнинг электрон каталогларида 500 мингдан ортиқ библиографик ёзув мавжуд. Янгича ахборот-кутубхона хизматини амалга ошириш мақсадида кейинги йилларда 300 га яқин компьютер техникаси ва ускуналар ўрнатилди. Жойлардаги марказларда локал компьютер тармоғининг интернет ва «ЗиёНЕТ» порталига кириш имконияти яратилди.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган миллий ахборот кутубхона дастури ишлаб чиқилди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон ҳукуматларининг келишувига биноан жиҳозланган илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси очилди. Ҳозирда илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси томонидан 10 мингга яқин илмий нашрлар электрон кўринишга ўтказилиб, тўла матнли электрон маълумот базаси яратилди.

Республика ягона интеграллашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш, электрон ахборот-кутубхона ресурслар фондини шакллантиришга ҳам жиддий аҳамият беришмоқда.

Марказда ахборотлаштириш ва кутубхонашунослар йўналиши бўйича 25 нафар талабалар ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар.

**Акбар АЛИЕВ**

***Австралиянинг Сидней шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасидаги «Apia International Sydney - 2012» халқаро теннис турнирида Денис Истомин бош соврин учун курашмоқда.***

Теннис

# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимига кирувчи мазкур нуфузли турнирнинг саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтган ўзбекистонлик теннисчи асосий тўрнинг биринчи учрашувида испаниялик Пабло Андухарга қарши баҳсни 6:3, 2:6, 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Энди ҳамюртимиз чорак финал йўлланмаси учун ўтказиладиган навбатдаги беллашувда америкалик Райан Свитингга қарши кортга чиқади.

Ёш теннисчимиз Аҳмад Жамол Муҳаммад учун ҳам жорий мавсум омадли бошланди. Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Ҳиндистонда ўсмирлар ўртасида ташкил этилган халқаро турнирнинг дастлабки учрашувини мезбонлар вакили Ражанвир Сингҳ Дхарнига қарши ўтказган 16 ёшли спортчимиз рақибини 5:7, 6:1, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва иккинчи даврада Хитой Тайпейи теннисчиси Шао Чи Янг билан рақобатлашадиган бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

***Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.***

**Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

| | |
|---|---|
| «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси | тел.: 233-51-47 |
| «Тошавтобустранс» АК | тел.: 234-90-36 |
| «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 248-05-56 |
| «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ | тел.: 272-89-47, 272-68-52 |
| «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 290-70-17 |
| «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ | тел.: 263-38-80 |
| «5-такси саройи» МЧЖ | тел.: 280-60-54 |

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ФАРЗАНДЛАР ОТА-ОНА ҲАҚИДА

- Бир ҳакимдан сўрабдилар:

— Сен учун энг улуғ киши ким?

— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуғ кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қарилардир.

- Иззат-ҳурмат ота ва онани шунингдек, болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир. У ота-онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради.
- Фарзанд ота-она учун жондир. Борди-ю у ноқобил бўлса, озори жондир.
- Китобларда баён қилинишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан 80 та ҳаққи бор. Уларнинг 40 таси тириклик вақтида ва қолган 40 таси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғидаги 40 та ҳақнинг 10 таси танга, 10 таси тилга, 10 таси дилга ва 10 таси молга тааллуқлидир.

Танга тааллуқли бўлган 10 та ҳақ ота-онага сидқидилдан хизмат қилишдир. Бу шундайки, ота-онага ҳамма вақт ҳурмат кўзи билан қаралади. Қилма деб буюрган ишлари қилинмайди, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урилмайди. Яна улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дарҳол ўрнингдан туриб кутиб оласан, улар ўтирган бўлишса, сен оёқда тик турасан. Улар ўтирадиган ўринга сен ўтирма. Уларнинг олдида очиқ чеҳра билан ўтир. Қовоғингни солма, хўмрайиб қарама, чақирганларида эса югуриб бор.

Аммо дилга тааллуқли бўлган 10 нарса шундан иборатки, биринчи — уларга раҳму шафқат билан қара. Иккинчи — уларга доимо қўлингдан келганча яхшилик қил. Сенинг шодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлсин. Улар ғам тортсалар сен ҳам қайғур ва уларнинг дардига малҳам бўлиш йўлини қидир. Ота-онангга қанчалик яхшилик қилмагил ва ҳақларини адо қилмагил, уларнинг диллари заррача озор топишини ўзинг учун ор деб бил. Уларнинг қандай ниятлари бўлса ўша ниятларига етишишлари учун ҳаракат қилмоқ даркор. Улар қанчалик узоқ умр кўрсалар, шунчалик қувон. Қанчалик дардли бўлса, шунчалик кўнглини олишга урин.

- Қалби пок ота — пок авлод асосчисидир.
- Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқонни ўз ерига ишлов бергани кабидир. Ерга қанча ишлов берилса, ҳосил шунча кўп бўлади.
- Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шуҳрат келтиради.
- Донолар айтадилар:

— Эй фарзанд, молу мулкингни бекорга сақлама, уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради. Бундай жоҳил кимсалар кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси аммора кўйига кириб, ғам ва кулфат кўрадилар.

Эй фарзанд, гар дунёда доимо тараққий қилай десанг, умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма, ёмон кишилар билан улфатчилик қилма. Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнак ол.

- Алишер Навоий айтади:

**Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,**
**Лек шараф келди ҳаёю адаб.**
**Чунки ёғин манбаи бўлди ҳаё,**
**Қатраси тупроқни қилур тўтиё.**

**(Давоми бор)**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағ миқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **13 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3, кундузи — 7-9 даража илиқ бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2011 йил 4 февралдаги 1-269-14247/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн-Сино даҳаси 1, 17-уй, 109-хонадон манзилида жойлашган, умумий ер майдони 71,24 кв.м, 4 хонали, 1 та даҳлиз, 1 та ҳожатхона, 1 та ҳаммом, 1 та ошхона ва 1 та жавондан иборат уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 38 295 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 16 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 14 февраль куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru

Буюртма Г- 141

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11166 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5